



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 37 (4539) 2019 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ХАЛОСКОР КУЧ



Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради. Виждон, маънавият дегани — халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Ш.МИРЗИЁЕВ

Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги

## БЕНАЗИР ТАФАККУР СИРЛАРИ

Абдулла Қодирий кўп ҳолларда ўзининг ҳажвия, фелетон ва ҳангомаларини шартли имзолар билан эълон қилган. Унинг Жулқунбой, Мулла Жулқунбой, Калвак махзум, Тошпўлат тажсанг, Думбул, Овсар, Шилгай каби имзолари машҳур. Бу урфнинг сабаби ва Қодирий имзоларининг сони ҳусусида Ҳ.Қодирий шундай ёзади: «Душманларнинг таҳдидлари важдидан «Муштум» муаллифлари ўз танқидий мақолаларида номларини кўпинча яширишга, турлича тахаллусларда имзо чекишга мажбур бўлганлар. Масалан, Қодирий «Муштум»да ва кейинги йиллардаги турли газета-журналларда босилган ҳажвий танқидий мақолаларида элликдан ортиқ махфий тахаллус(лақаб)ларни қўлаганлар».

Бундай махфий тахаллусларни қўлаш фақат Қодирий ёки «Муштум»чиларгагина эмас, умуман, XX асрнинг 20-йиллар адабий муҳитига хос ҳусусиятдир. Ҳақ асарларнинг жараёнда фаол бўлган Чўлпон, Ғоzi Юнус, Ашуралӣ Зоҳирий, Вадуд Маҳмуд каби ижодкорлар борки, уларнинг айнан жиддий бадиий ва илмий асарларида шартли имзоларга дуч келинади. Ҳаётнинг ҳажвий талқини, ижтимоий турмушдаги нуқсон-камчиликларни сатира ва юмор билан танқид тилга олган ҳолда ҳажвий асарлар яратилар эди. Публицистиканинг ҳажвий тармоғи бўлмиш фелетон жанри жуда фаол эди. Хусусан, бу йўналишда «Туркистон» газетаси, «Муштум» журна-лида юзлаб чиқишлар қилган, «қулдириб йиғлатади-ган, йиғлатиб қулдирадиган» Жулқунбой 1924 йилда-ёқ «фелетонлар кирли» номини олди.

Абдулла Қодирий билан «Муштум»да бир неча йил ёзма-ён хизмат қилган Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошкӣ): «Абдулла Қодирий ҳар нарсага танқидий назар билан қарар, эски хурофот нарсаларга ғоят-да душман эди. Унинг ҳар бир сўзидан ҳажвий ифода анкиб турар эди».

Абдулла Қодирийнинг шартли имзолар остида эълон этилган ҳажвий асарларида адиб шахсини топи-тиш, ғояий аъмолини англаш осон эмас. Ва Абдулла Қодирийнинг ҳажвиялари айни ҳусусияти билан гў-зал. Чунки уларда бир неча маъно қатламлари ма-

жуд. Ҳар сўз, ҳар жумла замиридаги пичинг, кино-я ва ё «чирт-пирт»дан туйқус қандайдир ҳақиқатни илғаш, комик ҳолат баънидан йиғлаш ёки очилиб-со-чирилиб, юрак-юракдан кулиш мумкин. Абдулла Қодирий ҳажвия, фелетон ва хангомаларида аёвсиз танқид, айблга юзинг-кўзинг демай тортилган тар-саки, «сўз ўнқови» келганда чапанича дўк-лўписса, «овсарона, далиёна» — тажохилу орифона сўз айтиш санъати бор.

Ўзбек онаси яқин ўртада иккинчи Абдулла Қодирийни туғмаса керак.

ЧўЛПОН

Ўзбек миллатининг ва қардош халқлар маънавий чашмасидан ҳам қониб сув ичган Абдулла Қодирий-ни кулги устаси сифатида элга танитган асар, шубҳа-сиз, «Калвак махзум...»дир. Шу сабабдан адибнинг сатирик асарлари ҳусусида гап кетса, аввало, «Калвак махзум...» ва «Тошпўлат тажсанг...» тилга олинади. Адабиётшунослигимиз, хусусан, қодирийшунослик тарихида бу асарларнинг турли савиядаги талқинлари бор. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Қодирийнинг сатирик асарларини халқ кулгисидан алоҳида олиб ту-шунтириш асло мумкин эмас. Зотан, дунёдаги машҳур «Кичик Цахес» (Гофман), «Гаргантоа ва Пантатрю-эл» (Ф.Рабле), «Ревизор» (М.Гоголь) сингари асарлар бевосита халқ кулгиси билан боғлиқ.

▶3-4-5

## ФЕСТИВАЛ АРАФАСИДА

INTERNATIONAL FESTIVAL OF HANDICRAFTERS KOKAND - 2019



Куни кеча «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини катта тантаная ҳаяжон билан яқунлаб, меҳмонларни ҳурмат билан кузатиб қўйган Ўзбекистон яна бир катта халқаро тадбир арафасида турибди. Навбат азалдан хунармандлар макони бўлган Қўқонга! 10-15 сентябрь кунлари юртимизда илк бор ўтказилаётган «Халқаро хунармандчилик фестивали» меҳмонлари ва қатнашчиларини Қўқон ўз бағрига олади. Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, Бадиий академия ва Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтадиган мазкур халқаро анжуманда хорижий давлатлардан маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислар, сайёҳлар қатнашади.

— Қўқон шаҳрининг Марказий боғи худудидаги Худойр-хон қароргоҳида бўлиб ўтадиган фестивалга тайёргарлик ишлари кизгин паллага кирди, — дейди «Хунарманд» уюшмаси раиси ўринбосари Ақобир Ҳакимов. — Барча тайёргарлик ишлари ниҳоятга етиб қолди. Анжу-манда 75 та хорижий давлатдан 300 дан ортиқ катнашчи ишти-рок этиши кутиляпти. Мамлака-тимиздан эса тўққиз юзга яқин хунарманд катнашади. Маҳал-лий ва хорижий хунармандлар-нинг кўргазма савдоси, мода-лар намойиши, кўғирчокбозлар ва дорбозларнинг томошалари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, турли танловлар, маҳорат дарелари, тақдирот-лар Қўқон аҳли ва меҳмонлар-да катта таассурот қолдиради, деб ўйлаймиз. «Хунармандчи-

лик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истикболлари» мавзусида ўтадиган илмий-амалий конференция соҳа ривожига аҳамият қарғати, шубҳасиз. Фестиваль доирасида Жаҳон Хунармандлар Кенгаши томони-дан қадимий Қўқон шаҳрига «Жаҳон хунармандлар шаҳри» мақоми берилгани тўғрисидаги сертификатнинг тўширилиши ҳаммамизга гурур бағишлаши тайин. Муҳим воқеалардан бири фестивал доирасида ўтказила-диган кўрик-танловдир. Бешта йўналиш бўйича ўтказиладиган танлов қатнашчилари 5 минг АҚШ долларидан 2 минг АҚШ долларигача пул мукофоти ва диплом билан тақдирланадилар. Худлас, ушбу фестивал воқеаларга бой ва кизикarli ўтиши кутилмоқда. Қўқон бугун дунё хунармандларига бағрини кенг очди.

Шу пайтга қадар юртимизнинг олтига худудида олти адиб номи билан аталадиган Ижод мактаблари фаолият олиб бораётган эди. Бу йил эса уларнинг сафи яна учтага кўпайди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида Огаҳий ҳамда Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаблари очилди. Жорий йилда очилган Ижод мактабларининг 5-, 6-, 7-, 8-синфларига, шунингдек, бошқа мактабларнинг 5-синфларига иқтидорли, аълочи, билимдон ўқувчилар ижодий имтиҳон ва тест синовлари асосида қабул қилинди. Ижод мактабларининг ижодий имтиҳонлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилди. Тошкент шаҳрида ташкил этилган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабига ҳужжат топширган 488 нафар ўқувчи орасидан ижодий ва тест имтиҳонлари асосида ҳар бир синфга 30 нафардан жами 120 нафар ўқувчи саралаб олинган. Айни вақтда мактаб ўқувчилари Олмазор туманидаги 119-мактаб биносидан ўқитилмоқда. ▶6

## МИЛЛАТ ДАҲОСИ ТАЪРИФИДА

Энг оғир тарихий даврларда давлат, миллат ва дин олдидан фақуллодда хизматлар кўрсатган, келажак авлодлар учун миллий тараққиёт дастурини яратиб берган буюк йўлбошчиларни инсонлар доҳий, дея улуғлайдилар. Улуғ Соҳибқирон Амир Темура ҳаёти ва фаолияти — миллат ва халқ дарди билан яшашнинг яққол намунаси.

Очигини айтганда, собиқ шўро даврида «доҳий» сўзи хўп меъ-дамизга теккан эди. Юртимизга умрида келмаган, кўрмаган, ти-лимиз ва урф-одатларимизга етти ёт бегона одамни бизга «доҳий» дея уқтиришарди. Эсингни танигандан бошлаб сохта «доҳий»-нинг исми худди азондек қулоғингга қуйилгани билан, қалбан тан олмасанг, ҳаммаси беқор. Шунинг учунми, бу сўзнинг қадри кети-тиб, эшитганда пинак бузмайдиган аҳволга келгандик. 1991 йили мустабид тузум барбод бўлиб, Истиқлолга эришдик. Буюк аждо-ларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни ўргана бошладик. Ўз-беклар тарих саҳнасида кеча ёки бугун чиққан миллат эмаслиги, бир асарда Соҳибқирон лафзидан айтилганидек, «Туркнинг бош бўғини» эканлигимиз, миллатимиз фарзандларининг умуминсо-ният илм-фани тараққиётига қўшган бекиёс ҳиссаси улкан фахр ва ғурурга лойиқ эканини хис этдик. ▶4

## ҚАДАМИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!



Қаллибек КАМОЛОВ,  
давлат ва жамоат арбоби

# ЎЗБЕКISTON МЎЪЖИЗАСИ

Президентимиз шу йил 20 август куни Мўйнок шаҳрида халқимиз вакиллари билан учрашганида ўз нутқини Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг “Одам одамнинг кўши, Кўнгил кўнгилдан сув ичар” деган шеърини сатрлари билан бошлади ва давлатимиз раҳбари нутқининг бутун мазмун-моҳияти ана шу шеърда ифодаланган эзгу ниятларга ҳамоҳанг бўлди. Бу биз – қорақалпоғистонлик жамоатчилик вакиллари тўқинланган юборди. Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган туб ислохотларни ўз кўзим билан кўриб, бир хайратимга юз хайрат кўшилиди.

Шундай меҳру ғамхўрликдан халқимиз катори мен ҳам баҳраманд бўлаётганимдан ниҳоятда миннатдор бўламан. Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини кўрган, кўп йиллар раҳбар лавозимда ишлаган бир инсон сифатида шу пайтга қадар бу қадар кўламини ниҳоятда кенг ва мухташам ишларни кўрган йўқ. Мўйнокдаги йилгиликда мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг сўнгги уч йилда кескин ривожланганини айтиб ўтиб, келажак даврининг улкан ривожланиш дастурини белгилаб берди. Давлатимиз раҳбарининг: “Илгари қорақалпоқ халқи йилга яшаган бўлса, энди янги замон келиб, қулиб яшаган эришди. Қорақалпоқ халқининг замони келди”, деган теран мазмунли сўзлари кўпчилик йилгилик катнашчилари катори менинг ҳам юрагимда фахр ва шукроналик туйғуларини уйғотди.

Ҳақиқатан Президентимиз билан Мўйнокда учрашиб, самимий суҳбатлашиб бахтига муяссар бўлиш нафақат менга, балки бутун Қорақалпоғистон халқига катта фахру ифтихор ва шодлик бағишлади. Бутун барчанинг юрагидан жой олган, нафақат мамлакатимизда, балки дунё ҳам-жамиятида юксак обрў-эътибор қозongan Президентимиз мамлакатимизнинг янги раҳбарлиги дастурини ўзлари ишлаб чиққан теран фалсафий таълимотта асосан келажакда янада юксалтириш йўли харитасини чизиб берди. Энг аввало, халқ билан фикрлашиб, халқнинг орзу-армонларини тинглаш, уни хал қилиш мамлакатимизда муҳим давлат сиёсатига айлантирилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод шаҳар” дастурлари босқичма-босқич амалга оширилди. Ҳеч бир мамлакатда йўқ, ҳеч бир давлат иқтисодий-сиёсий ҳаётида мавжуд бўлмаган усулда тароққитнинг мураккаб масалалари ҳал этилди. Ниҳоятда қисқа вақт ичида инсон манфаати, халқ фаровонлигини ошириш, унинг ижтимоий аҳолини янада юксалтириш учун улғувор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз айтгандай, илгари йилга юрган қорақалпоқ халқи, ҳозир дастурхони тўқин-сочин, янги, обод турмуш билан яшаётган. Буларнинг барчаси юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Сув танқис ҳудудларда яшаётган аҳолини сув билан тўлик таъминлаш, овуллар ва шаҳарларда канализация тармоқларини ўрнатиб бўйича катта вазифалар белгилаб берилди. Бутунги кунда Тахтақўпир, Қораўзақ, Кетайли, Беруний, Эллиқалъа, худлас, барча туманлар ичимлик суви билан тўлик таъминланди.

Орол муаммоси қорақалпоқ халқи учун оғир дард эди. Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида Орол фожасининг бутун дунё учун табиий офатга айланишини исботлаб берди ҳамда бу масалага жаҳон жамоатчилигининг диққатини жалб этишга эришди.

Ҳозир Мўйнок шаҳри замонавий, дунё стандартларига мос келадиган ажойиб шаҳарга айланди. Бу ерда 350 ўринли тўқимачилик фабрикаси, балик консерваси комбинати ишга туширилди. Ёшлар учун сузиш ҳавзаси, театр, амфи-театр, маданият саройи, музей, истроҳот боғи, турар жойлар ва бошқа қурилиш ишшоотлари барпо этилди. Шаҳар аэропортининг учинчи-кўниш майдони қурилди. Мўйнок Президентимизнинг ғамхўрлиги шарофати билан гуллаб-яшнаган шаҳарга айланди. Буни ҳамма тан олади.

Туб ислохотларнинг самараси ўлароқ, Нукус шаҳридан 450 километр олдидagi “Қорақалпоғистон” кўрғони ҳам гуллаган шаҳарчага айланди. Бундай ишлар барча вилоятларнинг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилди. Учқудук, Қони-мех, Томди, Гагарин, Тўрақўрғон, Шарғун каби шаҳарлар янгидан бунёд этилди.

Шунингдек, Нукус Европа андозларидаги замонавий шаҳарга айланди. Шаҳарнинг ўртасидан оқиб ўтадиган “Дўстлик” каналининг икки соҳилида ҳибонлар, гулзорлар, айвонлар, дам олиш масканлари қурилиб, бу ерда аҳоли қорлик чикарадан сўлим сайилгоҳ бунёд бўлди. Бутун мамлакатимиздаги барча шаҳарларнинг кифоаси бутунлай ўзгариб кетди. Кимки миллий ва замонавий метаморфозининг ноёб намуналарини кўришни истаса, Ўзбекистонга келсин. Шаҳри-сабз, Самарқанд каби кўна шаҳарларнинг чиройига чирой қўшилган. Тошкентни айтмайсизми, Қўқалдош мадрасаси, Хасти Имом мазморий мажмуаси билан биргаликда пойтахтимизда узукка қўйилган гаваҳ кўздек Сузук Ота мажмуаси кад ростлади. Мухташам “Tashkent-City” ни айтмайсизми. Гузал ва файзли иморатлар уларнинг эгалари, одамлар билан файзли. Олам



лар гавжум жой сўлим бўлади. Сўлим жойларга одамлар интилади.

Нурли келажакимизнинг ворислари бўлган фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор мени ниҳоятда қувонтиради. Улуғ адиблар Исҳоқхон Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номлари билан ата-дяданинг ижод мактабларининг қисни дунёда йўқ. Мустақиллик байрами арафасида Отағий, Абдулла Қодирий ва Ҳалима Худойбердиева номларида ҳам ижод мактаблари ташкил топди. Истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган бундай ислохотларнинг самараси ҳадемай юз кўрсатишига ишонаман.

Президентимиз илм-фан, маданият, адабиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёшларни ўзимизда яхши ўқитиб, малакали мутахассислар, кадрлар тайёрлашга муҳим аҳамият берилмоқда. Шу билан бирга ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқитиб, тайёрлашимиз керак. Бу борадаги ишларни фаол давом эттирмақдамиз. Мамлакатимизда Россиянинг 5-6 та университетни филиали, Жанубий Корея олий ўқув юртлари филиаллари очилди. Бу яқин йилларда кадрлар салоҳиятининг ўсишида ўз натижасини кўрсатиши аниқ.

Мана шундай улкан ўзгаришлар каторида Президентимиз томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Масалан, электрэнергетика соҳасини олайлик. Ушбу соҳа бутун халқ хўжалигининг локомотиви бўлиши шарт. Ишлаб чиқариш ривожланиши учун электр энергияси керак. Президентимиз томонидан энергетикани ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятига эътибор қаратилиб, Наманганда катта қувватга эга бўлган электр станцияси қурилди. Навоий ва Тахитано электр станцияларининг энергия ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Бу станцияларда атмосферага зарарли чиқиндилар тарқалишининг олди олинди ҳамда газнинг исроф бўлиши камайтирилиб, кўш энергиясидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга атом электр станцияси ҳам қурилмоқда.

Машинасозлик соҳасига ҳам катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникалари модернизация қилиниб, ушбу соҳа халқроқ андозларга жавоб берадиган даражага кўтарилди. Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар, юк машиналари, автобуслар ва бошқа техника воситалари бутун дунёнинг ҳавасини келтирмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланган. Юртимизда қурилиш ишлари жадал бормаётган қишлоқ ёки шаҳарнинг ўзи йўқ. Кўнгилдан кечаётган шукроналик туйғуларидан бири Ўзбекистон экспорт салоҳиятининг юксалиши билан боғлиқ. Мева, полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларни чет элларга экспорт қилиш муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Масалан, Испания йилга 23 миллиард долларлик мева сотади. Ўзбекистонда бу имконият Испанияга қараганда анча юқори.

Тўқимачилик соҳаси жадал ривожланмоқда. Илгари четта пахта хомашеси ёки толини сотар эди. Бутун ўзимизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг Қорақалпоғистонда етиштирилаётган пахта шу ернинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда.

Ипак етиштириш бўйича Ўзбекистон Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туради. Илгари Ўзбекистон факат хомашенигина сотар эди. Президентимизнинг топириги бўйича

юртимизда етиштирилаётган пиллами, пахтами, юнғми, худлас, тўқимачилик учун зарур толалар энди хомашэ ҳолида четта чиқарилмайдиган бўлди. Ўзимизда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш кони фойда. Масалан, ипакни қайта ишлаб тайёр маҳсулот қилиб сотсақ, тола сотганга қараганда 10 баробар қиммат турар экан. Демак, бугун биз бирга ўн фойда учун ишламоқдамиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиз азалдан қўллаб сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига жалб этиб келган. Бутун Президентимизнинг ташаббуси билан Ўзбекистондаги барча шаҳар, туман, аҳоли гавжум яшайдиган гўшаларни сайёҳлар ва зиёратчилар келадиган манзилларга айлантириш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда Ўзбекистонга 3 миллион 600 минг нафар сайёҳнинг келиб кетгани туризм соҳасида яхши ютуқдир. Ахир ер юзидаги жаннатмонанд юрт дея таъриф берилган Ватанимизнинг ҳар қарич ери муқаддас, ҳар гўшаси мўъжиза. Бу мўътабар юрт қанчадан-қанча буюқ алломаларга бешик бўлганининг ўзи мўъжиза эмасми? Жаҳонда Ўзбекистон мўъжизаси, деган иборанинг пайдо бўлиши айнан мухтарам Президентимизнинг кизгин ва самарали фаолияти билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари бугун соҳаотни ривожлантириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Қашқадарёда 18 мамлакат ҳамкорлигида Нефтни қайта ишлаш комбинати қурилмоқда. У дизель ёнгилси, бензин, керосин, мазут ишлаб чиқарилган комбинат бўлади. Жиззах, Самарқандда улкан соҳаот ишшоотлари бунёд этилмоқда. Бундай йирик соҳаот мажмуалари келажакда Ўзбекистоннинг тароққитига улкан ҳисса қўшишига ишончимиз қомил.

Ўзбекистон ўзининг табиий бойликлари, нефт, газ, металл конларига эга. Бу дегани – Ўзбекистоннинг кўп маҳсулотлари, бойлиги ўзида бақиланган, унинг қудратли мамлакат бўлишига асос яратади, ривожланган давлат бўлишига тўлик имконият беради деган сўз.

Мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш билан биргаликда халқимизнинг ички дунёси, психологияси ижобий тарафга бутунлай ўзгарди. Халқ янгича дунёқарашга эга бўлди, янгича ўйлайдиган миллат пайдо бўлди. “Инсон омили ривожланишини белгилаб беради” деган ҳикмат бор-ку, шундай экан халқнинг янгича ўйлашга, фаол фикр юритишга эга бўлиши келажакда ўзининг улкан самарасини беради. Бундай халқ билан мамлакатни янада жадал ривожлантириш мумкин.

Президентимиз бугун туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан бир қаторда келажакка нурли назар ташлаб, мамлакатимизни 2035 йилгача мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини белгилаб бермоқда. Экспертларнинг аниқлашича, Ўзбекистон экспорт ва туризм соҳасида йилга 100 миллион доллар фойда олиш имкониятига эга экан.

2035 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 50 миллионга етади. Бизнинг ниятимиз шундай – 2035 йили Ўзбекистон дунёда энг ривожланган йиғирмага давлатнинг бири бўлади.

Менинг 18 нафар эварам, жуда кўп невараче-вараларим, ўғил-қизларим бор.


Мен ҳозир 94 ёшдаман. 70 ёшимда ҳажга бордим. Уша вақтдан буён беш вақт намозни қанда қилганим йўқ. Намозимда суюкли Президентимизга Оллоҳдан қамда юз ёш тилаб, хамиша соғ-саломат бўлсин, бола-чақаси омон бўлсин, деб дуо қиламан. Эл-юртимиз, халқимиз бахтига омон бўлиб, Ўзбекистон дунёда энг ривожланган ва фаровон юртва айлансин, осмонимиз мусаффо, замонамиз хамиша тинч бўлсин, деб тилаб тилаймиз.

Президентимиз билан Мўйнокда бўлган учрашувдан кайтаётиб, йўлда улўғ бобомиз Ҳаким ота – Сулаймон Бокирғоний қабрини зиёрат қилиб, қурьон тиловат қилдим. Ул зотинг руҳига фотиха ўқидим. Элимизга ривож, фаровонлик, халқимизга омонлик, кадрли Президентимиз Шавкат Мирзиёевга толмас қанот, куч-ғайрат тиладим.

Энг улўғ, энг азиз байрамимиз – миллий мустақиллигимизнинг 28 йиллиги айёмида қорақалпоқ халқига мухтарам Президентимиз яна бир бор юксак эҳтиром кўрсатди. Элимизнинг оғаси – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Тажетдиновчи Ернизоов Ватанимизнинг олий мукофоти “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. Фураатдан фойдаланиб, Президентимизга қорақалпоқ халқи номидан катта раҳмат айтаман. Муса Тажетдиновични чин дилдан самимий муборакбод этаман.

**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси  
Алланазар АБДИЕВ ёзиб олди.**

*Қорақалпоғистон халқ шоири  
Рустам МУСУРМОН таржумаси.*



Саъдулла СИҲҲОВ,  
“Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби:

## ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Ҳазрат Алишер Навоийнинг шу гузал сатрларини тез-тез эслаб тураман: “Эл нетиб топгай мениким, Мен ўзимни топмасам”. Ҳозир Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда ижодкор аҳли Президентимиз меҳри, ғамхўрлиги, эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Кейинги уч йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёзувчиларга яратилган шариот ва имкониятларнинг ўзи ҳам тарихда қоладиган воқеалардир. Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг янги биноси қурилди, ҳозир бу қошонага қўшни давлатлар, хорижлик ижодкорлар ҳам ҳавас билан қарашганига гувоҳ бўлдим. Қолаверса, ижод аҳли учун унган турар жой уйлари, Зомин, Паркент туманларидаги дам олиш масканлари бунёд этилгани ҳам юксак ғамхўрлик намунаси. Бир қатор ижод мактабларининг очилаётгани — барча-барчаси адабиётимизнинг равангага хизмат қилади. Айниқса, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини тарғиб этиш, китобхонлики қўллаб-қувватлаш борасида китоб акциялари ўтказилаётгани, бир томондан, навқирон авлод маънавиятини ошираётган бўлса, иккинчи томондан, ёзувчининг машаққатли меҳнати қадр топаётганидан далоятдир. Кенг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш биринчи навбатда ижодкорлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Президентимиз ёзувчилар олдида қўйган улкан вазифалардан асосийси — янгилаётган Ўзбекистон ва бу янгилаш жараёнининг қаҳрамонлари ҳақида янги асарлар яратишдир. Албатта, бу ишончи оқлайми, юртимиз раванга, халқимизнинг маънавий ва миллий юксалишини таъминлаш учун янада ижодий фаол бўлиб, мамлакат миқёсида кечаётган буюқ бунёдкорликлар ҳақида жамиятнинг пешқадам, илғор вакиллари сифатида бугун ижодкор жамиятга ўз сўзини айтадиган палларар келди. Бу сўз Ватанимизни улўғлайдиган, унинг бутун маҳобатини кўрсатадиган сўз бўлиши керак. Бу сўз миллий юксалиш жараёнларида ҳар бир юртдошимизни руҳлантирувчи, юрагини оловлантирувчи сўз бўлиши керак!

Мен яна бир бор Президентимизга миннатдорлик билдираман.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

### ФАРҒОНАДАН ЗОМИНГАЧА

*Ёзувчилар уюшмаси топиригига биноан бу ел Фарғонага Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёти фанларини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатга 2018-2020 ўқув йиллари учун кириш имтиҳонларини ўтказиш учун бордим.*

*Устоз номидаги мактаб, музей ва Фарғона вилоят ёзувчилар уюшмаси бўлими биноси Марғилон шаҳрида янгидан бунёд этилган кўркям ва чиройли боғга янада салобат бағишлаган.*

Биз ижод мактабига ўқиш учун ҳужжат топириган 5-6-7-8-9-10 синф ўқувчиларидан оғзаки ва ёзма имтиҳон олдик. Имтиҳон асносида бу даргоҳга аксарият иктидорли ўқувчилар ҳужжат топириганлигидан қувондик. Бу умид қилдикки, келажакда ушбу мактабдан улўғ шоирнинг издошлари, албатта, етишиб чиқадилар.

Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими қомилдаги “Олтин қалам” адабиёт тугараги аъзолари билан бўлган учрашувимиз ҳам ғоятда кизгин ўтди. Тугарагимиз аъзолари вилоятимизнинг турли туманларидан келган ёшлар, Фарғона Давлат университети талабалари ва Эркин Воҳидов ижод мактаби ўқувчиларидан иборат, — дейди тугарак раҳбари, иктидорли шоира Дилшоҳа Эргашева. — Улар орасида истеъдодлар жуда кўп. Масалан, Меҳринисо Аҳмадқонова, Хосият Хожиева, Фарход Рўзиев, Шаҳло Темирова, Нозима Маматқулова, Зияда Камолваллар ҳар бир машғулотга жиддий тайёрланиб, янги ижод намуналари билан келадилар. Устоз шоирлар билан маҳорат дарсларини ўтказиб тураман. Айниқса, Ўзбекистон халқ шоири Усмонов Азим билан ўтказилган машғулот тасассуротларга бой бўлди.

Бу габли учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова катнашиб, ёшлар ўқиган шеърларга баҳо бериб, ўзининг ижод силрлари билан ўртоқлашди ва янги шеърларидан ўқиб берди.

Фарғонадан шеърга тўйиб-тўйиб қайтдим. Шеър ўқиган ҳар бир ёш юракда Эркин Воҳидов шеърининг ҳароратини ҳис қилдим. Ҳаёлимга шоирнинг улмас сатрлари келди:

**Айб этмангиз,  
Дўстлар: бу савдо  
Борин факат менинг бошимда?  
Кимин этмас бу кўнўл шайдо,  
Ким шеър ёзмаз менинг ёшимда?**

“Анджон-Тошкент” поэзияда кайтаётсам, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясидан кўнўлроқ бўлиб, Жиззах вилояти Зомин туманида янгидан бунёд этилган “НКМК санаторийси”да дам олиш ва даволашнига таклиф этилаётганини ҳақидаги хабарни эшитиб бениҳов хурсанд бўлдим.

Эртаси кунин бир гуруҳ турли соҳаларда узок йиллар самарали хизмат қилган, ўз соҳаларининг етук намоёндалари билан замонавий автобулда Зомин сари йўл олдик.

Фарғона ҳажжонлари Зомин қувончларига улашиб кетди. Гуруҳимиз аъзоларидан бири – Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон билан Фарғона суҳбатлари давом этди.

— Анвар ака, кеча поезлда танкили шоира Энахон Сиддиқованинг олтириқлик машҳур фермер Лола Муродованинг матонатли ва ибратли ҳаётига бағишланган китобини мароқ билан ўқиб келдим. Лола Муродованинг жасоратига қойил қолдим, — дея китоб ҳақидаги мулоҳазаларимни бошлаган эдим, мудраб келадиган Анвар ақанинг кўзлари чарақлаб кетди. Суҳбатни у киши давом эттирди:

— Олтириқда кўптармоқли фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йўналишда “Чўл лочини” Лола Муродовага тенг келадигани кам. Бу аёл ҳақида Энахон Сиддиқова яхши китоб ёзган. Қамина ҳам бир очерк ёзганман. Лолахон ҳақида бир тўртглигим ҳам бор эди:

**Ғоҳо жуда танишга ўхшар,  
Рўмолига чатиш ҳар тола.  
Шу толага ишқ қўйиб яшар  
Миллион гўза ичра бир Лола...**

Қаранг, китоб баҳонасида ният қилиб машҳур фермер Лола Муродовани эслаган эканмиз. Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг фармони билан Лола Муродовага “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвони берилди. Уша кунин санаторийда ҳам байрам бўлди. Анвар Обиджонга Олтириқдан телефонлар тинмади.

**Ашурали ЖўРАЕВ**  
*Фарғона—Зомин—Тошкент*

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИ АНГЛАШ ~ ИНСОНЛИК ВА МУХАББАТНИ ТАНИШДИР

...Маълумки, бизнинг ота-бизнинг Қодирий рўмонларини илк бор қўлга олган онларини, бир маҳалла халқ бир танча атрофида йиғилиб, заиф шам шўласида Отабек-Кумуш мухаббатининг ботаётган ой каби маъносиз ишқ дostonини йиғлаб эшитган дақиқаларини шу бугун ҳам кўзларига ёш олиб эслашади. Момоларимизнинг худди эртаққа ўхшаш соддадил эсдаликларига суюниш ҳам шарт эмас. Отабек-Кумуш севгисининг Абдулла Қодирий кўз ёши билан суғорилган мунгли саҳифалари хар биримизнинг қалбимизда бир умр ўчмас шўла ёкиб кетмадимикан?! Нафакат боболаримиз, балки бизнинг авлод ҳам Қодирий бошига катта гурбат ёғилган онларда унинг буюк номига қора кўлагалар тушган даврларда ҳам Анвар, Раъно, Отабек ва Кумуш дostonларини хуфёна тарзда кўлдан-кўлга бериб уларни шамчирок шўласида ўқишдан кўриб, совук болохоналарда эски лампа шўласида ўқиганларимиз ҳамон бизнинг ҳам эсимизда. Бунинг бир сабаби ҳам Абдулла Қодирий асарларидеги ўша миллий рухнинг сўнмас жозибасида эмасмикан?! Мен бу рух ҳақида хар бир халқ учун азиз бўлган миллий туйғу тўғрисида ўйлар эканман, гарчи ўлмас адибимиз ҳақида юзлаб илмий асарлар яратилган бўлса-да, унинг ижодини хануз теран идрок этишга ожизлик қилаётганимизга икром бўлгим келади.

Одил ЁҚУБОВ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулла Қодирий юксак иродали, соҳиби қалб инсон, улуг ўзувчи эди. Менинг тушунишимча, жаҳон адабиётинида услуб жиҳатидан фарқ қиладиган бешта романчилик мактаби сайқаланиб кўзга ташланиб туради. Улар инглиз, француз, немис, рус, ҳинд романчилик мактабларидир. Эндиликда олтинчи романчилик мактаби яратилди. Бу мактабни яратган Абдулла Қодирийдир. У Шарқ ва Ғарб классикларини вужуд-вужуди билан ўзига сингдириб юборган ўта билимдон, ўта маданиятли, туб маънодаги профессионал ўзувчи эди. У адолат, мардлик, номус, тенглик, ёрусликни улуглаган, адабиёт, ахлоқ, санъат осмонига ранг-баранг гуллар, юлдузлар ўйган, умид, ишқ билан ҳаётбахш сатрларни сайқаллаган забардаст қаламкаш эди... Баъзи мунаққидлар ўзувчинини мозиёга оид услубда қалам тебратган таснифчи сифатида талқин қилиб, уни адабиётдан олиб ташламоқчи бўладилар. Лекин ҳаммага маълумки, ким унга ўқ уса, у Ватанга, халқига ўқ узган бўлади. У хоиндир!

Е.Э.БЕРТЕЛЬС, атокли рус шарқшуноси

Чиндан ҳам Абдулла Қодирий жаҳон адабиётининг энг буюк вакиллари қаторидан жой олишга муносиб ўзувчи. У халқ орасида шўролар босқинига қадар ўзига хос тили, тасвир воситалари, ифода йўсини, ҳеч кимга ўхшамайдиган услуби билан тарихий роман ва Туркистоннинг ички ҳаёти воситасида ҳақиқий ўзбекининг асл моҳиятини ашгадонида намуна бўла олган ўзувчи сифатида машҳурдир.

Менинча, Қодирийнинг буюклиги бундан ҳам муҳимроқ омил, яъни унинг нима ҳақида ёзиш зарурлигини тўғри белгилай олганида, деб ўйлайман. Қодирий ёзиш лозим деб ўйлаган ана шундай жиҳатлардан бири унинг инсон руҳий ҳолатини тасвирлашдаги самимиятида инъикос этган. У муҳаббат, нафрат, эътиқод каби умуминсоний туйғулар ҳеч қандай чегара билмаслиги, улар бутун дунё халқларига хос хусусият эканлигини кўрсатмоқчи бўлган. Менимча, буюк адабиётнинг энг муҳим жиҳати ҳам мана шу туйғуларнинг гўзал тасвирларида акс этади.

Марк РИИЗ, АҚШ

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Шоир Миртемир оғир дардга чалиниб касалхонада ётганида, танкидчи Озод Шарафидинов билан кўргани бордик. Миртемир домла бир оз ўзига келган, бироқ шифокорлар ҳали туришга руҳсат бермаган экан. Биз хонага кирганимизда домланинг кўллариди «Ўткан кунлар» романи, ётган жойларига мутолаа билан машғул эканлар. Домла роман орасига хатчўп қўйиб, биз билан саломлашди ва китобга ишора қилиб: «Мўъжиза, нақ мўъжизанинг ўзи!» дедилар ва: «Бу галги мутолаа, балким юзинчисида...» дея жилмайиб илова қилдилар. Маълум бўлдики, Миртемир домла касалхонада бироз ўзига келиб биринчи сўрагани «Ўткан кунлар» романи бўлибди. Улкан шоирнинг оғир хасталик чоғида хаёлини, дилини ўзига мафтун этган, этолган, юзинчи бор ўқишга ярайдиган китоб ҳақиқатан ҳам, унинг ўз сўзи билан айтганда, мўъжиза!

Умарали НОРМАТОВ

Анвар ОБИДЖОН

...Чўлпон 1934 йили «Ҳамлет»нинг таржимасини ва «Кеча ва кундуз» романининг биринчи кимсини тугатган эди.

Кунларнинг бирида у менга роман муҳаддима-сини ўқиб берди. Мен завқланиб, «Қодирона тасвир бўлибди-ку», деган эдим, «Йўқ, йўқ, ўзбек аёли иккинчи марта Қодирийни тугмайди», деди.

— Лоф қилман! Навоий, Бобур, Оғаҳийни тугкан ўзбек аёли нега Қодирийдакасини тугмас экан?! — дедим.

— Ха, ха, шундайку-я, кин орада тугмаса керак, — деб жавоб қилди шоир.

Абдулла Қодирийни бағрикенг, вафодор, меҳридар, баркамол, хожатбарор, чин инсон сифатида билман. У зотнинг ўзлари меҳмон чакришини яхши кўрсалар-да, айниқса, шохона зиёфатларга боришни, тантанали мажлисларда иштирок этишни ва баландпарвоз гапларни тинглашни ёқтирмас эдилар. Машҳур ўзувчимиз кишилар бойлиги, лавозимини писанд қилмай, фақат одамийлигига қараб муомала қилардилар.

Дустларининг ақсарияти адабиёт, дин арбоблари, ишчилар, деҳқонлар, қосиблар, кўнчилар ва бошқа касбгайи шинаванда чананилар ҳам эди. Ўзлариди ҳам сезиларли даражада чананилик бор эди. Машҳур бобон Иноғомжон ота билан яқин муносабатда бўлганлигига кўн бор шохидман. Бог парварини халисини у кишидан олган бўлсалар, ажабмас.

Абдулла Қодирийнинг топиш-тутишлари дуруст бўлмаса-да, кўллари ҳаминча очик, саҳий эди, шунданми турмушлари ҳам ўртача кечар эди.

1933 йили мамлакатда очарчилик ва хахатчилик юз берди. Мен ёзи таштига чиқиб, Москвадан Тошкентга келдим ва ўша кунгек Абдулла Қодирийни зиёрат этгани уйларида бордим. У киши қолчик кўтариб дарвозалариди энди чиқкан эканлар. Мени кўриши ҳамона қолчакларини ерга қўйиб:

— Э, қадаминга хасанот! Қанчадан бери соғиниб юрган эдим. Кел, жигарим, — дея мен билан кучоклашиб кўришдилар (Аваллари кўл бериб саломлашардилар).

— Қани, ичкарига юр! Мени шийпонга бошладилар, чой устида хол-ахвол сўрашиб, Чўлпонни сўрадилар. Мен Чўлпон бериб юборган икки бўлак ширин кулча (печенье) ва мактубни кўлларига тугтадим. Мактубни ўқигач, узок хўрсидилар-да:

— Чўлпонни ўз таъбири билан айтсам: «Фақат Мажнун бўлиб элни севаман», деганлари учун гурбатда яшаш оғирлик қилади, — дея хатни менга узатдилар. Мактуб мазмуни ниҳоятда гамгин бўлиб, унинг охирида қуйидаги тўртлик ҳам ёзилган экан:

**Ватандан дарбадар бўлдим,  
ғарибман ошнингим йўқ,  
Паришон холим сўргучи  
бир руҳи равоним йўқ.**

Тирикман, ўлмаганман,  
лек инсонликда соним йўқ,  
Агар катта эгаллар девона  
Машраблек тавоним йўқ.

— Сен бунда дам олиб ёт. Уйда егулигимиз охирида қолибди, мен бултурги хосилдан қолган маккани ун қилдириб қайтаман, сўнг маза қилиб гурунглашамиз, — дедилар.

Мен унамадим. Бирга Чуқурқўприкдаги Мах-

Юнус МАҚСУДИЙ

## «ТИРИКМАН, ЎЛМАГАНМАН...»

(«Хазон бўлган тақдирлар» китобидан)

муд Сарикнинг тегиримонига бориб, ун қилиб қайтдик. Ўша бир пуд чамасиди ундан тўрт коса унин олиб, тўрт қўшиниқига чиқариб юбордилар. Қодирийнинг хатти-харакатидан хайрон қилиб сўрадим:

— Нима қилаяпсиз?  
— Бу қўшинларимга берилаётган кафсан, — дедилар.

— Унда менга бериладиган кафсаннингиз кани?  
— дедим ҳазил арайлаш.

— Сен кафсанга мухтож эмассан-да.

— Мен берган кафсаннингиз савобига мухтожман.

— Хўп, майли савобига сен шерик бўлақол, — деб жилмайиб қўйдилар. Хулоса қилиб айтганда, бундайин саховат, олижаноблик, бундайин чин одамийлик хар кимнинг ҳам қўлидан келарвермайди, айниқса, очарчилик йилларида! Айнан шундай ноёб фазилатлари учун Абдулла Қодирийни тугишган акамдан кўра зиёдрок хурматлар эдим.

...1936 йилнинг ёз кунлариди бирида Абдулла Қодирий бир болага мени зулик билан айтиб кел, деб тайинлаб юборибдилар. Тезда уйларига етиб борсам, ёлғиз ўзлари шийпонда чой ичиб ўтирган эканлар.

— О, хайрият, уйда экансан, зап вақтида етиб келдинг. Энди, гап бундоқ, иним. Чойдан кейин тайёргарлик кўрамиз, кечга меҳмонлар келишади.


У кишининг меҳмондўст одам эканлигини билардим. Рўзгорболлиги ҳам хавас қилса арзигулик эди. Аммо меҳмон кутишда асло исрофгарчиликка йўл қўймасдилар...

Мен, Абдулла Қодирийнинг Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев билан яқин дўст бўлганларини сезардим, лекин улар тўғрисида ҳеч нарса гапирмас эдилар. Негадир шу дамда жуда очилиб кетдилар, шекилли, «сўб, яхши раҳбарларимиз бор»,

деб яна бир воқеани гапириб бердилар.

— Яқинда Акмал Икромов мени чакриб, «Ўткан кунлар» романингизни қайта нашр қилсак, шу шарт биланки, сиз, Юсуфбек хожининг руслар улуг ёвчимиз деган жойини ҳамда Отабекнинг русларга қарши жангларда ҳалок бўлгани каби ўринларни тахрирдан ўтказсангиз, сизга ўттиз миңг сўм берам эдик, — деди. Мен: «Агар сиз айтган ўринлар олиб ташланса, роман романликдан чиқиб, сарик чака-

Анвар ОБИДЖОН



Таржима соҳасининг билимдони, журналист Санжар Сиддиқнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглаб, ҳаммалари ундан мамнун бўлдилар.

Ўтириш охирида Гулом Зафарий:

— Ҳозирги вақтда ижодкорларимиз бир оз бўлса-да, енгил нафас ола бошладилар. Ёзажак асарларимизни тилдан эмас, дилдан ёзайлик, муроси мадора деб, буюртма асар ёзишни бас қилайлик, — дея Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асари ва Чўлпоннинг айрим мадҳия-қасидаларини танқид қилди.

Қодирий ва Чўлпон Гулом Зафарий фикрига қўшилдилар, шекилли, унга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар.

Абдулла Қодирий йиғилганларга миннатдорчилик билдириб, дастурхонга тортилган овқатга ундади. Таомдан сўнг яхши ниятлар тилаб тарқалди.

Абдулла Қодирий хар йили ёзининг айна пишиқчилик палласида диний арбоб, арабшунос Захириддин Аълам, бедилшунос Алоуддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум ва кекса авлодга мансуб бўлган шоирлардан Тавалло, Хислат, Мискин, Тошқин ва шу каби яқин биродарларини меҳмонга чакриб тарих, тиббиёт, мантиққа оид масалалар ҳақида сўхбатлашардилар. Захириддин Аълам Муҳаммад пайгамбар халисларини, Саҳихи Бухорий ва ат-Термизий асарларини муҳокама қилар, Алоуддин махсум ва Нодирхон махсум Бедил ва Алишер Навоий асарларини, улардаги дини исломга тааллуқли жойларини ўқитарди. Халқимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларга хурмат билан ёндашарди. Аммо бильату хурофотни асло суймасди. Адббининг бу фазилати асарлари қаҳрамонлари табиатига ҳам қўчган.

Сен нечун тўлғонасан қуйган қўнғил,  
Отабекни жонидан суйган қўнғил.  
Яшнағайми бир кучоқда икки гул?...  
Мен сўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Ёрғинам рухсорига жоним фидо,  
Бу жаҳонда борига жоним фидо,  
Хайр эй, ширин забоним алвидо,  
Мен ўлай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Сизга бир армон бўлай, золим бегим,  
Жайрон бўлай қувлаб етиб олинг, бегим,  
Марғилоннинг йўлига бошим қўйиб  
Жон берай, Зайнаб билан қолинг, бегим.

Мухаммад ЮСУФ

### Сапарқанд дарвоза кўраси

Бу тош кўчалардан Қодирий ўтган  
Эски Жўвага ҳам яёв чиққанлар.  
Чорраха четига кимнидир қутган,  
Кимнидир қуттириб, ҳажв битганлар.

ХУМОЮН

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирди ва ихлом бағишлади. Туркман халқининг ҳам шундай ўтмиши бор, мен уни ўз кўзим билан кўрдим. Ўша романлар ихломида «Қонли панжадан» номли романим 1937 йилда бошлаб чикди.

Хидир ДЕРЯЕВ, туркман ёзувчиси

Менинг ўзим ҳам Толстойдан, Горькийдан, Шолоховдан ўрганмасдан, татар ёзувчиси Иброҳимовнинг «Бизнинг кунларими», «Қозоқ қизини, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунларими», «Меҳробдан чаёнини ўқиб шулардан ибрат олмасам «Дадиъ қадам»ни бошлаб олмасам бўлардим.

Берди КЕРБОБОВ, туркман ёзувчиси

Бошланиши 1-саҳифада

Мавзунимиз объекти — Абдулла Қодирий (26 яни йилда кулдирувчиларимиз) деган мақолада шу ҳақиқатни куйидагича эътироф этади: «...Танқиднинг иккинчи хили бўлган ҳажвий (сатира маъноси билан) оммавий дейилса бўлади. Чунки кулчи танқид турмуш бўлиб (бўйлаб — Б.К.) учқувчи бургутдир. Ҳаёт шаронига ярамаган заиф, қизғин, манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир. Ҳажвий танқид авомнинг руҳига якин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатида кулчилик унсур авомнинг махбуби, тагин тўғриси (таъкид бизники — Б.К.) унинг ўз ижодидир».

Жулқунбойнинг нисбатан ҳажман кичик ҳажвия ва ҳангомаларида кулчининг пичинг, киноя, кесатик йўсинида юзага келганини кўриш мумкин. Аммо унинг Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажани «характер кулчиси»га ёрқин мисолдир.


Хар икки қаҳрамон ҳам ўз ҳолини ўзи баён этади. Улардаги кулчи халқ ичидан олинган иборалар, кўча-кўйнинг гап-сўзлари, баъзан сўкинч, хитоб ва ундов воситасида, баъзан бевосита иш-февдан — реал воқеаликка номувофик ҳолатлар баёнидан юзага келади. Ойбек айтмоқчи, Қодирий қаҳрамонлари «турмушга, нарсаларга, турли масалаларга ўз назарлари билан қараб, ўзларича муҳокама қиладилар, ўзлари баҳо берадилар. Асли комизмини тугдирадиган нарсалар ҳам шундир». Зотан, жаҳон эстетикаси тарихидан маълумдирки, комизм моҳиятида контраст-зиҳдият мавжуд. Масалан, Аристотель хунукликнинг гўзалликка, И.Кант ҳақирликнинг олийжаноблик — юксаликка, А.Шопенгауэр беъаълиликнинг баъаълиликка, Гегель эса ёлгоннинг ҳақиқатга зиди-контрастида кулчи ҳолат асосини кўради. Жаҳон файласуфларининг ушбу қарашлари адиб маънавий дунёсига бегона эмас. Адибнинг ҳажвийлигида, хусусан, «характер кулчиси» номи билан асарларида гоҳо хунуклик билан гўзаллик, баъзан сунъийлик билан табиийлик, гоҳида тузатиш билан олижаноблик тўқнаш келади. Зотан, ҳаёт-турмуш кирдиқорларининг ҳажвий-бадиий таъкид бундан муҳимроқ эмас.

Адибнинг «Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажани нима дейди?» ҳажвийларининг мавжуд талқинларида, уларнинг ғоявий-бадиий таҳлилларида бирқалмаликлар учрайди. Тўғриси, бу икки ғаройиб кулчи асарларида муаллиф тажани ортифта усулларини қўлади. Абдулла Қодирий сатирик қаҳрамонлари, ўзининг «салбий тип»лари орқали, ўша «ожихил, илмсиз, бадбин, бадбашара, мияси диний саркитлар билан ғовлаган, чапан» характерлари воситасида нукул социалистик жамиятни, ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни қўллаб-қувватловчи тарзида кўрсатилади. Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажани образларини адабиётшуносликда бундай илмий талқинлар адибнинг машҳур ҳажвийлари жозибасини, тароватини кетказиши, уларни жўлаштириши мумкин. Зеро, ҳажвийларнинг ўзини ўқиган, таъминни, таъмаънони уққан китобхон уларнинг илмий талқини орасида тўла маънодаги мувофиқлиқни топа билмайди.

Қодирий реализмдаги буюк ҳақиқат шунки, дунё, ўзаро инсоний муносабатлар, инсоннинг ўзи яқраган эмас; мураккаб ва зиддиятлидир. Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажанилар бадиий талқинида адибнинг эстетик принциплари даражасига кўтарилган маҳзум ақиқасини эътибордан қочирмасликлосим. Бу ҳажвий қаҳрамонлар саҳиясида қусур, нуқсон кўп. Аммо муал-

лиф улардаги фақат шу хусусиятларининг таъсирлаб қўя қолмаган. Агар асарни фақат шу қирра учун ёганимизда уларнинг хизирга қадар ашаб қолиши амримаҳол эди. Абдулла Қодирий инсон табиатига хос, ҳажвий саҳияларга хос барча мураккабликларни ўз қаҳрамонлари табиатига жойлаш билди. Зотан, адиб бу қаҳрамонлар ҳақида ўз ақиқасига мувофиқ келадиган куйидаги талқинни ёзади: «Калвак маҳзумда: кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурфоти билан мияси ғовлаган, ҳолис бир маҳалла имоми, Тошпўлатда: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқалида ўғрилик ва фаҳшият денгизиде сўзиб, тажанилган ҳолис бир чапан кўрилуру». Сўзни беҳуда исроф қилмайди адиб ҳар икки қаҳрамонига

БЕНАЗИР ТАФАККУР СИРЛАРИ



марта уйланган, ўз тили билан айтганда, «Ақоид»ни тамомлаб, «тахзиб» қилгандан кейинги ҳаёти илгариги ҳаётига нисбатан ўзгаради. Муаллиф ҳам унга нисбатан «шафқат» қилади. Қолаверса, Калвак маҳзум турмушидаги маҳзур чегара, ўзгартиш асарни нашлаб тасвир этган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплари» учун жинойт жавабгарликка тортилиши ва ёки яқка ҳўжаликлари коллективлаштириш жараёналари шулар жумласидандир. Маҳзур биографик фактларнинг инобатта олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради. Асар бошланишидаги нисбатан таъсир этган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплари» учун жинойт жавабгарликка тортилиши ва ёки яқка ҳўжаликлари коллективлаштириш жараёналари шулар жумласидандир. Маҳзур биографик фактларнинг инобатта олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради. Асар бошланишидаги нисбатан таъсир этган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплари» учун жинойт жавабгарликка тортилиши ва ёки яқка ҳўжаликлари коллективлаштириш жараёналари шулар жумласидандир. Маҳзур биографик фактларнинг инобатта олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради.

- «Раҳм-шафқат» қилиб аяшга интилиш нияти йўқ. Бу қаҳрамон бундай марха-матларга мухтож эмас. Демократизм, Қодирийнинг ҳолислигини аниқлайлик, матнга муносиб талқин юртайлик.
- Хўш, Калвак маҳзум нақадар нодон, нақадар билимсиз ёки калтафаҳм? Унинг кутубхонадан сўраётган китобларига эътибор қилмоқ лозим:
- «Шарҳул-виқоя»нгиз борми?
- Йўқ, тақсир.
- «Шарҳ мулла Жомий?»
- Йўқ.
- «Маслаки муттақин?»
- Йўқ.
- Бас, сизда нима бор?
- Бизда ҳар бир китобдан бор.
- «Далойили хайрот?»
- Йўқ.
- «Қанзили Хусайн?»
- Йўқ.
- «Нурномаи шариф?»
- Йўқ.
- «Кимёи саодат?»
- Йўқ.
- Йўқ-йўқ-йўқ! Бас, бул китобларингиз қуруқ қогозларми? ...»

Маҳзур китобларига нисбатан нописандилик билан айрим изоҳларда: «Октябр» инқилобига қадар халқ ўр-тасида тарқалган диний китоблар», деган жумла билан ёзилади. Вақоаланки, «Шарҳул-виқоя» Убайдулла ибн Масъуд ал-Маҳбубий томонидан машҳур Фаҳиқ Бурхониддин ал-Марғиновийнинг «Хидоя» китобида ёзилган шарҳдир.

«Шарҳ мулло Жомий» эса Абдурахмон Жомий томонидан араб тилининг грамматикасига доир «Қофия» китоби-га ёзилган шарҳ ҳисобланади. Дарвоқе, «Қофия»дек мураккаб китобни Калвак маҳзум ҳам ўқиган. Холбуки, эси паст, нодон кишининг бу китобдан бирон сатр ўқиб, тушуниши амри маҳолдир. Аммо Қодирийнинг ёзишича, Калвак маҳзум «қофия»хон-болаларнинг бир нечасига муқаррирлик» қилган. Аяни китоб номи низоҳлаш билан боғлиқ афсусларни жой шундаки, эски ёзувдан унинг номи бир ўринда «Қофия»

тарзида табида қилинган ва «эски мактабларда ўқитилган фан», «илми қофия» тарзида изоҳланган. Калвак маҳзум аҳли шарога мутааллак қилинган.

Хуллас, табидалиқ ва талқиннавислар юқорида номлари зикр этилмиш грамматикага, тарих ва тасавуфга доир китобларни «диний китоблар» тарзида изоҳлашлари илмий ҳақиқатга мувофиқ келмайди.

Қолаверса, Абдулла Қодирийнинг ўзи жуда яхши хабардор бўлган ва балки Калвак маҳзумнинг илм даражасини кўрсатиш учун атайлаб келтирилган бу китоблар қаҳрамонни ерга уришга асос бермайди. Ўйлаб қаралса, бу китоблар Калвак маҳзумнинг «ожирканч башарасини фоти эшитиш»га ҳам, «мияс хурофоти» билан ғовланганини исботлашга ҳам хизмат этмайди.

Адибнинг «Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида» асари икки қиррали кескир пичоқни эслатади. Ёзувчи бир томондан хурофот иддизларини кесади, иккинчи томондан динсиз жамият сари юз тутган кишилар дунёсига Калвак маҳзумнинг кўзи орқали назар ташлайди.

Абдулла Қодирийнинг «Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажани нима дейди?» типидеги асарлари хусусида тўхтаганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу асарлар сюжет эътибори билан даставвал ҳаёлда обдон пишитилиб, яхлит ҳолга келтирилиб, сўнтра муайян композиция асосига қурилган эмас. Улардаги композицион бутунлик бош қаҳрамон сиймоси, услубдаги ўзига хослик ҳамда муаллифнинг «пардаланиши» каби хусусиятлар орқали

майдонга келади. «Калвак маҳзум...» 1923—1927-йиллар давомида, «Тошпўлат тажани...» 1924—1927-йиллар оралиғида ёзилган ва вақтли матбуотда босилиб турган. Дарҳақиқат, маҳзур давр масофаси орасида ёзувчининг шахсий ҳаётида ҳам, дунёқарашиде ҳам, ижтимоий-сисей турмушда ҳам ижодкорнинг ижод психологиясига таъсир этган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплари» учун жинойт жавабгарликка тортилиши ва ёки яқка ҳўжаликлари коллективлаштириш жараёналари шулар жумласидандир. Маҳзур биографик фактларнинг инобатта олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради. Асар бошланишидаги нисбатан таъсир этган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплари» учун жинойт жавабгарликка тортилиши ва ёки яқка ҳўжаликлари коллективлаштириш жараёналари шулар жумласидандир. Маҳзур биографик фактларнинг инобатта олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради.

Адабиёт майдонида шундай ҳажвийлар бўладики, ёзилган замонидаги муайян долзарб муаммони кўтариб чиққанлиги билан шухрат топади, аммо вақт ўтиши билан унутилади. Зеро, бадиий адабиёт муаммо кўтариб, ҳал қиладиган майдон эмаслиги, бу ўткинчи хусусият катта адабиёт учун бироз бегона экани шунда ҳам кўринади. Абдулла Қодирийнинг ўнлаб ҳажвия-ҳангомалари айнан ҳозир биз айтган сифатларга эга — маърифатга тарғиб, мактабга пул бермаган ҳасис бойни танқид, матбуот ҳолига ачиниши ва ҳоказо. Бирок адибнинг ўзи айтмоқчи, уларда «характер кулчиси» йўқ. Айнан ана шу сифат катта адабиёт учун жуда муҳим унсур. Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажани — характер кулчиси учун ёрқин намуна.

Бадиий-ҳажвий асарни муайян тарихий воқеа-ҳодисалар фониде талқин этиш мумкин бўлганда, аяни пайтда, унинг ўз бадиий қуввати имкониятлариде келиб чиққан ҳолда талқин қилиш ҳам мумкин. Назаримда, «Калвак маҳзум...» ва «Тошпўлат тажани...»ни ўқиган, даврий тарихий ҳодисалардан аяча беҳабар китобхон ёки тадиқотчи улардан айнан бадиий қувват инерцияси билан жуда катта маъно ўқиб олади; инсон табиатига абадул-абад ҳамроҳ бўлиб келадиган жиҳатларни кўриб, завқланиб қулади. Маҳзур асарларни ҳар ким ва ҳар давр ўзинча аниқлайди, тушунади ва тушунтиради.

Абдулла Қодирий жаҳон кулчи адабиётиде бохабар эди, унинг асарларидаги гротеск образ яратиш усуллари, киноя, кесатик ва пичинг каби бадиий воситаларни ўша омиларга боғлаб талқин этиш аяни самара беради. Умуман, адибнинг бу йўналишдаги асарларини жиддий ўқиш ва халқ кулчи санъатининг турли қирралари билан уйғунликда аниқлаш лозим.

Баҳоидир КАРИМ, филология фанлари доктори

МИЛЛАТ ДАҲОСИ ТАЪРИФИДА

Бошланиши 1-саҳифада

Етмиш йилдан зиёд зўраки эътиқод қилганимиз — «дохий бобо»нинг миси чиккач, «дохий» сўзиде ҳам ихло-симиз қайтандек эди. Лениннинг номи мустақилликдан сўнг тез орада деярли унутилди. Буни одамларнинг унутувчанлиғи билан эмас, балки дунё халқларига беҳисоб кулфатлар келтирилган сохта «дохий»лардан бе-зганилиги, уларнинг шахсини юракдан қабул қила олмагани билан изоҳлаш ўринлидир.

Мен Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини 1988 йили узок Мурманск ўлкасиде харбий хизматни ўташ чоғиде илк бор мутолаа қилдим. Улуғ адиб ушбу ўлмас асариде Амир Темурни «дохий» деб таърифлаган. Ўшанде бу сўзни нега-

ган шахс, оқил йўлбошчи», дея таърифланган.

Кастилиялик элчи Рюи Гонзалес де Клавихо XV асрнинг бошида элчи сифатиде келиб, бу ерда кўрган обод ҳамда маъмур шаҳар ва кишлоқларни, Зарафшон дарёсининг қирғоқларида, Самарқанд шаҳрининг мудоффе деворлари атрофидеги ҳашаматли биноларни, хунарманчилик устаконаларини, савдо расталарини, умуман, байрамона манзараларни таъсирлаган. «Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки чакирим узунликда. Шаҳар эса уларнинг ўртасиде жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, унинг ўртасиде эса шаҳар жойлашган.



Шаҳар ва боғлар ўртасиде кўп-лаб суғориш каналлари қурилган. Бу боғларда кўплаб қовунлар ва пахта етиштирилади. Бу ернинг номи мўлқул бўлганидек, вноси ва гўшти ҳам, мева ва паррандалари ҳам сероб... Бу шаҳар шунчалик тўкин-сочин ва бойки, ҳайратланасан киши. Бу ерни бойлиғи фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балки ипак матолари билан, жун ва шойи астарлари билан, упа-эликлари билан, олтин ва лазурит (қўм-қўқ феруза тош) ранглар билан ҳам бойдир».

Булардан ташқари у турли мамлакатлардан келтирилган таникли усталар, дунёнинг ҳамма давлатларидан олиб келинаётган маҳсулотлар тўғрисида хабар беради.

Испан элчиси завқ билан билан таъсирлаган овоз ва обод Ватанининг барпо этилиши — буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур даҳоси билан чамбарчас боғлиқдир. Хорижий муаррих Гарольд Лэмб таъкидлаганидек, «Амир Темур Самарқандни қарақан тупроқ, ярим вайрона шаҳардан «Шарқона Рим» деган таърифга муносиб шаҳарга айлантирди. Самарқанд — Соҳибқирон орзуларини рўёбига айланди».

Абдулла Қодирий, Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ва муҳтарам Юртбошимизнинг улуғ Соҳибқиронга берган таърифлари — фавкуллода ақл-заковатга эга бўлган буюк йўлбошчиға берилган энг ҳолис ва адолатли таърифлардир.

Миллат ўзлиғи — улуғ Соҳибқирон Амир Темур сиймосиде мужассам! Хорижий адиблар ёзган асарлар ва тарихий олимларнинг тадиқотларида ҳам Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг дохийлиғи ҳақида ҳолис эътирофлари ўқиб мумкин.

Миллатимиз тарихида жаҳоншумул улуғ сиймолар жуда кўп, аммо ҳеч бир зотга юқоридегидек юксак таъриф берилмаган.

Бутун Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган асарлар баҳоли қудрат ёзилмоқда, лекин бу мавзуда «Ўткан кунлар» даражасиде шухрат қозонган ва севиб ўқилаётган китоблар хануз йўқ. Агар узоқ умр насиб этганида, Абдулла Қодирий, албатта, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам батақроп асар ёзган бўларди. Улуғ адиб асарларидаги юксак миллий рух, тарихимизга бўлган чуқур эҳтиром шундан дарак бериб туради.

Бутун Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган асарлар баҳоли қудрат ёзилмоқда, лекин бу мавзуда «Ўткан кунлар» даражасиде шухрат қозонган ва севиб ўқилаётган китоблар хануз йўқ. Агар узоқ умр насиб этганида, Абдулла Қодирий, албатта, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам батақроп асар ёзган бўларди. Улуғ адиб асарларидаги юксак миллий рух, тарихимизга бўлган чуқур эҳтиром шундан дарак бериб туради.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ

Бундан бир неча йиллар илгари адабнинг "Мехробдан чаён" асарини "Раъно" деб сахналаштириш, асар қаҳрамони Раънонинг жасоратини маисхур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг "Жамила" сизга қийслаш фикри тузилган эди. Лекин шароит тақозоси билан бунинг имкони бўлмади.

Бугун сахнада кетаётган жараёндан асосий мақсадим улуг ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида, унинг ижоди ва шахси ҳақида бирор янги гап — ҳалигача кўпчиликка маълум бўлмаган ҳақиқатларни айтишдир. Мақсадим ҳамуфироқи Хуршид Дўстмухаммаднинг ақинда ёзган "Ёлғиз" киссаси бўлиб чиқди. Қодирийнинг ҳаёти ҳақида кўп маълумотлардан, жумладан, "Ёлғиз" киссасида тасвирланган воқеалардан хабардор бўлсам-да, кисса ўз моҳияти билан менга кучли таъсир қилди.

Киссада А.Қодирийнинг "Муштум" журналида ишлаб юрган кезлари, яъни 1926-йиллар тасвирланган. "Муштум"да унинг "Илғиз" гаплар мақоласи чиқадиган асарда танкид остига олинган маориф ахволи ва зиёлилар тақдирини ОТПУ томонидан аксинчилик ва миллатчилик сифатида талқин қилиниб, Қодирий икки йил муддатга қамалади. Аммо бирор маротаба ҳам сўроқ қилинмайди, айби бўйинига қўйилмайди. Судда исбот сифатида Қодирийнинг касбдош "дўстлари" ёзиб берган маълумотлар келтирилади, холос. Қизиги шундаки, Қодирий бир кун ҳам қамокда ўтирмайди. Ҳукм чиқарилгандан сўнг қамок эшигига олиб борилиб, унинг қўлига ҳукуматнинг афв тўғрисидаги қоғози берилиб, озод қилинади. "Ҳой, ёзувчи! Жим юр, бўлмаса, сени истаган пайт қамокка олишимиз ва истаган пайт отишимиз мумкин!" "Улар" айтганини қилган, фақатгина Қодирий уларнинг айтганини қилмаган. 1937 йилда яна қамокка олиниб, отиб ташланган.

Мазкур кисса сахнага мослаштирилган ҳолда инсценировка қилинди. Унда асосий диққат фақат ёзувчи шахсий ҳаётига қаратилган эмас, балки у яшаган даврга, уни "маҳв этаман, бўйсундираман, кул қиламан, ўз ногорамга ўйнатаман (спектаклда кўпроқ ургу "Ўз ногорамни чалдира-

ман" бўлиб кўриниши мумкин)" деб зўравонлик қилган сиёсий тузумга (даврга) қаратилган бўлади.

Спектаклнинг яна бир диққатга молик жиҳати шундаки, унда шу тузум дарғасининг соясида жон сақлаيمان, деб кўркув остида жинлар "бўйинларига илган ногораларни" чапишга тайёр турган, тобеликка мойил кишилар, бу йўлда ҳатто ўз дўстларига хиёнат қилишдан тап тормаган каслар — "касбдош дўстлар" асар жанридан бир мунча четроқ чиқиб

га оғир кун тушганида уни дўстлари бир овоздан танимасликка олганлари, "кўркув" олдига дўстликдан воз кечганлари ва бир овоздан Қодирийни "душман"га чиқарганлари спектаклда кескин ва шайқатсиз фош қилинади.

Бўлғуси спектаклимизни "Жинлар базми" деб атамоқчимиз. Бу спектакль ўша тузум яратган муҳит, шу тузумнинг базми. Базма ана шу тадбир эгаларига керак бўлган мусиқа асбоблари чалинади, ачинарлиси шундаки, фақат шу мусиқага ўйинга тушиш мумкин холос — чалмасанг, чалинган мусиқага ўйнамасанг, камаласан, кейин отиласан! Бу базм — кўрқоқлик базми, тобелик базми, соткинлик базми.

Дарҳақиқат, киссада Қодирий ёлғиз, уни тушунмаган дўстлари олдига ёлғиз, хаттоки, яқинлари олдига ҳам ёлғиз, дунёни кўриш, таҳлил қилишдан мосуво.


Томошани киссадай "Ёлғиз" деб атамаганимизнинг боиси, спектаклда Қодирийнинг "қаҳрамонлари" анчагина — Юсуфбек Ҳожи, Қумуш, Ўзбек оғим, Қалвак Махсум, Олим бўзчи, Ҳофиз, Ҳасаналилар борки, улар доимо Қодирийни энг қийин паллаларида ҳам химоя қилишга, унга ердан беришга тайёр турдилар ва бунинг уддасидан чиқадилар. Шунинг учун ҳам Қодирий ёлғиз эмас.

Яна шуну ҳам айтиш лозимки, спектаклнинг сахнавий ечимини амалга ошириш учун, иштирокчиларнинг тарихий либосларини яратиш учун театрда моддий кўмак зарур.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги спектаклга катта аҳамият қаратиб, унинг сахналаштирилиши учун сарф этиладиган маблағ ажратиб режасини кўриб чиқмоқда.

Олимжон САЛИМОВ,  
режиссёр

## ЁЗУВЧИ ЁЛҒИЗ ЭМАС




си, ҳаёти, ижодига қаратилган эмас, балки у яшаган даврга, уни "маҳв этаман, бўйсундираман, кул қиламан, ўз ногорамга ўйнатаман (спектаклда кўпроқ ургу "Ўз ногорамни чалдира-

бўлса-да, шарж, масхара услубида ифода қилинади. Инсценировкадаги "касбдош дўстлар" мавзуси анча оғрикли, ачинарли ва қайсидир маънода дахшатли мавзу. Қодирий боши-

## МАҲЗУН ИШҚ ҚИССАСИ

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган иккита лойиҳани амалга ошириш арафасида. Режиссёр


Умид Ҳамдамов адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган автобиографик бадий фильм устида иш бошланган бўлса, шу кунларда "Ўткан кунлар" романи асосида киска метражли бадий фильмни тасвирга олиш жараёни якунланиб, жумладан, романи билан таниш КИТОБХОН УСТА АЛИМИНГ



Уста Алимнинг кечмиши, ўз тилидан ҳикоя қилинган тақдир ҳақидаги маҳзун бир ишқ қиссаси бўлиб, романи билан таниш КИТОБХОН УСТА АЛИМИНГ ва Саодат ҳикоясини, албатта, яхши ёслайди. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг дардига аллақачон шерик бўлганди. КИТОБХОННИ ХИСЛАР УММОНИДА қалқитган ана шу аянчли қисмат картинамизда ўз аксини топган.

Суратга олиш ишлари Кўқон шаҳрида бўлиб ўтди. Назаримда, оператор Жаҳонгир Иброҳимов ва рассом Исобек Эгамбердиев давр муҳитини, қаҳрамонлар ижросини тўлақонли яратишда ўзига хос тасвирий ечим топа олишган.

Фильм адиб юбилейи тантаналари нишонланиши арафасида кино илосмандлари эътиборига ҳавола этилади. Ундаги бор роҳларни истеъдодли ёш актёрлар Шохруҳ Ҳамдамов ҳамда Гулруҳ Пирназарова ижро этишган. Албатта, асосий баҳони томошабин беради. Биз ҳаяжон билан илк намойиш кунини кутиб қоламиз.



Соибжон БЕГМАТОВ,  
Ўзбек Миллий мақом санъати  
маркази бош директори,  
"Меҳнат шухрати" ордени соҳиб

Президентимиз томонидан камтарин меҳнатимизга катта эътибор берилиб, давлат мукофотига лойиқ кўрилганини, аввало, миллий санъатимиз гултожи бўлган мақомга эътибор деб биламан. Шукроналар бўлсинки, Президентимиз халқимизга илоҳий оҳанглари тинглаш, улардан баҳраманд бўлиш учун кенг имконият яратдилар.

Ушбу мукофот олдимизда турган масалаларни амалга оширишда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Мақом меросимизни илмий тадқиқ этишда, мақомларнинг янги авлодини яратишда, ёш авлодни билимли-илмли қилиб тарбиялашда садоқат билан, фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди.

## МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Энг муҳими, мақом ижрочилари ва ижодкорларининг азалий орзуларини амалга ошириш, қадим мақомларимизни қай-

та жонланди, халқимиз орасида миллий мусиқа санъатимизга муносабат кадр топа бошлади.

Барча вилоятларда мақом ансамбллари ташкил этилди, уларнинг дастурлари шаклланди, барча ансамбллар ҳукуматимиз томонидан қолгулар билан таъминланди. Бу, албатта, катта эътибордан дарак.

Бундай эътибор ва мукофот мақом ижодкорлари учун шараф бўлиши билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Ана шу масъулиятли вазифани бажариш йўлида бор имкониятимизни ишга соламиз.

Куз фасли ўзи билан бирга юртимиз театрларида яна бир мавсумни бошлаб келди. Сентябрьнинг илк кунини Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперета) театри мухлисларга катта театрлаштирилган концерт дастурини тақдим этди.

3 сентябрь кунини эса республикамиз театрларининг сардори Ўзбек миллий академик драма театри навбатдаги 105-мавсумини "Алишер Навоий" (Уйғун ва И.Султон асари) спектакли билан очди. Театрга ташриф буюраётганларни фойеда театр директори Фатхулла Маъсудов, Рихси Иброҳимова, Гавҳар Зокирова, Зухра Ашурова, Мукаддас Холиқова, Гулчехра Иброҳимбекова каби таниқли санъаткорлар хуш кайфият ва очик чеҳра билан кутиб олдилар. Мухлислар ўзлари севган актёр ва актрисалар билан суҳбатлашиб, суратга тушиш имконига эга бўлдилар.

Театр ва томошабин мулоқоти томоша залида ҳам давом этди. Айниқса, сахнада Миллий театрининг таниқли ва ёш санъаткорлари мухлислар қаршисида намойён бўлишида зални гулдурас қарсақлар тўтиб кетди. Мавсум бошланишига бағишланган тадбирини Ф.Маъсудов кириш сўзи билан очиб берди. Сахнага тақлиф этилган Ўзбекистон Республикаси Маданият

## ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

вазир Бахтиёр Сайфуллаев мухлисларни янги мавсум билан табриклади. Юртимиз маданий ҳаётида театр санъати ва санъаткорнинг ўрни ҳақида гапирар экан, бунда Миллий театрининг ролига алоҳида тўхтади. Театрнинг тамал тошини қўйган санъат дарғалари, шу масканга умрини, ижодини бахшида қилган буюқ санъаткорлар номини тилга олар экан, Вазир бугунги актёр ва актрисалар уларнинг ижодидан ўрнак олиб, миллий театр санъатини ривож-

ландириш йўлида бор имкониятларини ишга солишларига умид билдирди.

Шундан сўнг парда кўтарилди, сахнада буюқ шоир ва бетаҳво инсон Алишер Навоий қиёфаси намойён бўлди. Мухлислар таниқли режиссёр Рустам Ҳамидов бошчилигида қайтадан сахнага кайтган "Алишер Навоий" спектаклининг театрининг таниқли ҳамда ёш актёрлари ижросида томоша қилдилар.

5 сентябрь кунини Ўзбекистон давлат драма театри "Ер барибир айланавари" (Ш.Бошбеков), Сатира театри "Уй-ланиш" (Н.В.Гоголь), Муқимий номидаги мусиқий театр "Тўмарис" (М.Осим), Ёш томошабинлар театри "Сехри лайлак" (халқ эртаги), Кўнрақ театри "Насриддиннинг саргузаштлари" (Д.Йўлдошева), Ёшлар театри "Оловулдиннинг сехри чироғи" (Қ.Абдурахмонова), академик Рус драма театри "Мўмай пуллар" (А.Н.Островский) спектаклини, давлат академик катта театри Симфоник мусиқа дастури билан навбатдаги мавсумга мухлисларни тақлиф қилдилар.

Хизмат юзасидан устоз Акмал Икромов билан учрашиб турардим, Акмал ака кадрларни, ижодкорларни жуда эҳтиёт, ҳурмат қилар, гамхўрлик кўрсатар эди. ВКП(б) Марказкомининг адабий-бадний ташкилотларни қайтадан қуриш ҳақидаги қароридан сўнги бир учрашувда Акмал ака Абдулла Қодирий ҳақида «Буюқ талант» деб, анча ижобий гаплар айтиб:

— Ижодкорларга муносабатда жуда эҳтиёт бўлинг, айниқса, Абдулла Қодирий каби ижодкорлар учун партия билетингиз билан эмас, ҳатто бошингиз билан жавоб берадиз, — деган эдилар.


Бу гап Акмал аканинг Абдулла Қодирийдек бир ижодкорга қанчалик ҳурмат, бегараз муносабатини кўрсатади.

Раҳмат МАЖИДИЙ,  
ёзувчи

## АДИБ АСАРЛАРИ САХНАДА

Халқимизнинг сеvimли адиби, ўзбек миллий романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг ўлмас бадий асарлари билан бир каторда унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бир неча асарлар ўзбек театрлари сахнасида иккинчи умрини яшаб келмоқда. Жум-

ла, Қодирийнинг асарлари сахналарига кириб келгани кишини қувонтиради. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Қумуш" операси, Муқимий номидаги мусиқали театрда "Отбек ва Қумушбиби", Ўзбекистон давлат дра-



ма театрида "Жинлар базми", Ёшлар театрида "Мехробдан чаён", Фаргона, Наманган вилояти мусиқали драма театрида ва Самарқанд вилояти рус драма театрида "Ўткан кунлар", Фаргона вилояти рус драма театрида "Қалвак маҳзум хотиралари", Жиззах вилояти мусиқали драма театрида "Жулқунбой кулгилари", Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида "Бахтсиз куёв" сингари асарлар сахналаштирилмоқда. Яқин кунларда мазкур спектакллар жамоатчилик ва томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Ёш томошабинлар театри "Қодирий сўзлаганда" (ҳикоялари асосида), Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри "Менким Қодирий..." (ҳикоялари асосида) каби спектаклларни, Хоразм вилоят мусиқали драма театри адиб ҳажвий асарлари асосида моноспектаклнинг юбилейга тухфа қилиш ниятидандир. Ушбу ранг-баранг, бадийликка йўғрилган спектакллар томошабинларга адиб асарлари, унинг кисса, шиддатли, аммо мазмунли ҳаёт йўли ҳақида ўзига хос шакл ва услубларда сўзлаши билан бирга, унинг 125 йиллик юбилейига муносиб тухфа бўлиши, шубҳасиз.

Маданият вазирлиги Театрларни ривожлантириш бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида белгиланган вазифалар ижроси юртимиз театрлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. 2019 йил давомида мавжуд 37 та театрга А.Қодирий асарлари асосида бугунги кунгача саккизта спектакль томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Сахналаштирилган спектакллар орасида Сурхондарё вилоят кўнрақ театрининг "Қодирий кулдиранда", Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театрининг "Хотира мангу", Қорақалпоқ Ёш томошабинлар театрининг "Мехробдан чаён", Сатира театрининг "Жулқунбой" номли сахна асарлари бадийлиги, режиссёрлик тақлиплари ва актёрлик топилмалари билан эътиборга лойиқ.

Қодирий асарларининг нафақат драматик ва мусиқали драма театрлари, балки опера ва балет, айниқса,

— дейди марказ раҳбари Лутфия Мирзаева, — Республикаимизнинг турли ҳудудларида ижод қилиб келаётган ёш истеъдодлар ва тажрибали ижодкорларнинг асарлари ўрин олган. Китобдан ўрин олган шеър ва хикояларда муҳаббат, эзгулик, бахт мавзулари, ҳаёт мағзаралари қаламга олинган бўлиб, ўқувчиларга мазкур бўлади, деб ўйлаймиз".

Тадбирда "Бахт кўнғироғи" ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ҳамкорлигида чоп этилган "Буға-4" альманахида шеърлари, хикоялари билан катнашган ижодкорларга "Умрбоқий мерос"

Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот марказининг диплом ҳамда ташаққурномалари, эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Аёллар қаноти ҳамда Ғ.Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда "Шарқ зиёкори" китоблар маркази томонидан китоблар кўргазма-савдоси ташкил этилди, таниқли ва ёш ижрочиларнинг қуй-қушқилари йиғилганларга хуш кайфият бағишланди.

## ИСТИҚЛОЛ МЕВЛАЛАРИ

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида Муस्ताқилликнинг 28 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

"Умрбоқий мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази томонидан ташкил этилган "Истиқлол мевалари" деб номланган мазкур тадбир марказнинг истеъдодли ёшлари қўллаб-қувватлаш, маънавий етуқ, маърифатли ёш авлодни тарбиялаш, уларда маданий меросга ҳурмат туйғусини шакллантириш йўлида саъй-ҳаракатлари натижасидир. Зеро, бугун кўпайиб кетган танловларда совринли ўринларни қўлга киритаётган иқтидорли ёшларимиз Ўзбекистоннинг салохиятини намойён этиб, дунёда юртимиз обрў-эътиборининг кўтарилишига ҳисса қўшмоқдалар.

Абдулла Қодирий — Жулқунбой юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда зўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйлагандай дам олиб, мириқиб, гаит қилиб ўқийсан, киши... Гарчи Жулқунбой 20-йиллар бошида матбуотда газетачи, публицист бўлиб танилган бўлса ҳам унинг романларида газетачилик, журналистик тили сира из қолдирмаган. Унинг тили раван, ширали, муеқий, менимча, ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли. Масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимонсиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз...

Мухтор АВЕЗОВ, қозоқ ёзувчиси

Мен Абдулла Қодирий асарларини гарчи ўттизинчи йилларда ўқиган бўлсам ҳам, улардаги қаҳрамонларни ҳозирга қадар унутмаман. Абдулла Қодирий ўзининг гоят сиқик, аммо чуқур лирикаси билан мени мафтун этарди. Унинг асарларидаги ҳар бир детал ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиг жисоланади.

Жалол ИКРОМИЙ, тожик ёзувчиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 1027-сонли Фармойишига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ижодига бағишланган адабий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби барпо этиш вазифаси белгиланган. Айни кунларда Олмazor туманида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида адаб ижодига бағишланган мажмуа барпо этилмоқда. Адабий музей, кутубхона билан биргаликда ижод мактаби биносининг қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Абдулла Қодирий ижод мактабига қабул қилинган ўқувчиларни табриклаш, улар

ижод мактаби ўқувчилари, мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамда Оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, ижод мактаблари бўйича масъул раҳбар Нодир Жонузқоқ олиб борди.

“Буюк кишилар ўзи тугилган юртини, миллатини ўз меҳнати, бетакрор ижоди, жасорати билан дунёга танитади. Халки ва юртининг фахрига

бабини бутун дунёга кўз-кўзлаб келмоқда”, деди у жумладан.

Тадбирда Абдулла Қодирийнинг қатағонга учраши ҳақидаги видеоас-вир намойиш этилди. Унда адаб тилидан айтилган: “Адабиёт – абадиёт демек. Биз ва биз каби ҳақиқатни муқаддас билиб қалам тебратган барчамиз адабиёт шарофати ила абадиётга йўнардимиз. Бизнинг фарзандларимиз, улар бўлмаса уларнинг фарзандлари, ёнги уларнинг ўғил-қизлари бўлсин, ёзгонларимизни ўқир эсалар, бизнинг қаламга олган ҳақиқатимиз яшайверур.

А.Қодирий номидаги ижод мактаби директори, педагогика фанлари номзо-ди, доцент Нилуфар Йўлдошеванинг мактаб ўқувчиларига табриги янгради:

— Азиз ўқувчим! Сен бугун Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби остонасига илк қадам қўйдинг, қаламинг қутлуғ бўлсин! Ўз зехнинг, теран тафаккуринг, гўзал одобинг ва жажжи қалбингдаги бетакрор маърифат ила улкан, забардаст ижод ахлига издошлигинг, севишли ворислигинг муборак бўлсин!

Мактаб жуда катта гулзор. Бу гулзорда турли хил ифрорлар, бир-биридан мафтункор, бетакрор илм чашмалари, турфа ранг гуллари, жон қулоқ бўлиб тинглайдиган булбул хоншлари бор. Ҳар куннинг ўзгача, сермахсул ва бетакрор, янги-янги билимлар чўққиси сари етаклайверади.

“Адабиёт яшаса, миллат яшайди” деган пурмаъно ўнгини доимо ёдингда тут! Ўз халқинг, Ватанинг, Президентинг сендан Ўзбекистон тарққиёти, келажак стратегияси учун жуда катта ишлар кутмоқда. Аждодлардан авлодларга тақдим қилинган маънавий мерос энди ишончли қўлларда эканлигига шубҳамиз йўқ. Сен, албатта, ишончимизни оқлайсан! Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди билиб қўйки, сени Ватан кутади!

Ҳа, қуртак ёзаётган илхомни авайлаш керак, холос. Йўл-йўриқ даркор. Боланинг бутун боши шеърда атиги битта сўз ярқ этиб кўринса, уни чўғ деб қабул қилиб “пуф-пуфлаш”, учқунни оловлантириш – олий саодат. Бу борада юртимизда амалга оширилатган хайрли ишлар янада кенг қулоқ ёзаётгани қувонарлидир.

Тадбирда ўқувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам ўз қувончларини бўлишдилар, таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Маъмура ЗОХИДОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бош мутахассиси

## ҚАДАМИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!



ни жўшқин ижод қилишга ундаш, халққа, юртга керакли инсонлар бўлиб етишишга туртки бериш мақсадида 5 сентябрь куни соат 11:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодий учрашув ташкил этилди. Тадбирда Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари, адабиётшунос олимлар, Халқ таълими вазирлиги вакиллари,

айланади. Улар ўз номи билан бутун бир халқ, Ватани шарафини мангулик саҳифасига муҳрлайди.

Шуқрлар бўлсинки, ўзбекда бундай чўққилар оз эмас. Уларнинг бири Абдулла Қодирийдир. Бу зот ўзбек романчилигини бошлаб берган улуг намоёндалардан биридир. Улар асрлар оша она юрти ва халқининг бўйи-

Ҳақиқат яшар экан, биз ҳам яшайверамиз” сўзлари тадбирнинг барча иштирокчиларини тўлқинлантирди.

Ижод мактабига қабул қилинган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Ўзбеки-кино” миллий агентлиги бош директорининг ўринбосари Шухрат Ризаев, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов, Олмazor тумани Халқ таълими бўлими мудир Замира Азимбоева, Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқар-маси узлуксиз методик хизмат бўлими бошлиги Нигора Икромова қизгин му-боракбод этдилар.

“Сизнинг орангизда Қодирийдек халқларвар фидойилар, ҳақ сўзни айтадиганлар, етук романистлар ўтир-ганига шак-шубҳа йўқ. Бугун бу ерда ўтирган ўқувчилар яхши адабиётшу-нослар, журналистлар, тарихчилар бўлиб етишишини тилаймиз”, деди Шухрат Ризаев.

Нодир Жонузқоқ, шунингдек, ижод мактабларидаги таълим жараёни, ўқув дастурларини такомиллаштириш ишлари Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда олиб борилаётган-лиги ҳақида маълумотлар берди.

## ТАБИАТ РАНГЛАРИ МУҲАССАМ

Гиламдўзлик бадий ҳунар, у қадимдан қорвадор қўчманчи халқлар орасида, айниқса, кенг тарқалган. Археологик тадқиқотлар натижасида Хоразм худудида милоддан аввалги минг йилликка мансуб гиламлар топилган. Қадимда Бобил, Мидияда, кейинроқ эса Эрон ва Ҳиндистонда тўқилган рангли гиламлар машҳур бўлган.

Қадим Бухоронинг нафис ипакдан тўқилган, кўзни қувнатувчи рангларга бой гиламлари бугун хорижлик сайёҳларни мафтун этиб келмоқда. Гиламдўзлар бугун ҳам сайёҳлар кўз ўнгига гилам тўқиши билан банд. Юртимизда касаначиликка кенг йўл очилгач, миллий ҳунармандчиликнинг бу тури яна ривожлана бошлади. Бу ҳақда гиламдўз Шахноза Эргашева шундай дейди:

– Қизларимиз 17-18 ёшдан гилам тўқишни ўрганишади. Бу ҳунарни гўзаллик, завқ ва қувонч гуйгулари билан ўйғунлашган санъат тури, дейиш мумкин. Рассомлар қадимги гилам тўқиш усуллари асосида бетакрор нақшлар чизиб беришади. Биз шу нақшларни гиламга тушираемиз. Айтиш керакки, бу жараён, аввало, сабр, дид ва зийракликни талаб қилади. Агар хато қилинса, тузатиш осон эмас. Гиламдаги ҳар хил нақш ва гуллар ҳам ўзининг ман-тикий маъноларига эга. “Сандук” усули – ҳаёт ҳақи-дадир, у ҳаммаша баҳор, яшарли маъносини англа-тади. “Бахт” деган усулнинг нақшларида хоначалар бор, ўша хоналарни тўлдириб, ният қилиб тўқишади. “Анор” усули серфарзандлик маъносини англайди.

Ускунанинг орқасига ойна қўйилган, шу ойнага қараб, жараёни кузатаман. Ҳар битта нақш ойна-дан кўринади. Умуман олганда, бир ой давомида гилам тўқишни ўрганиш мумкин. Пичоқча, тароқ,


кайчи ва бошқа турда-ги махсус ускуналардан фойдаланамиз. Ҳар бит-та нақшнинг устидан 40 қатим тушгач, тароқ билан уриб мустаҳкам-лаймиз. Қадимий усул-га кўра, тўқиш ускунаси махсус ип билан жуда маҳкам қилиб ўралади. Ишни бошлашдан ав-вал пухта тайёргарлик кўришга ҳам бир ҳафта вақт кетади. Шу тариқа ушбу кўҳна ҳунар ту-файли 35 нафар қиз иш билан таъминланган. Момоларимиздан эшит-ганман, ўтмишда энг обрўли, энг қиммат сарпо ўз кўли билан гилам тўқиган қизга берилган. Гилам-нинг чиройига, тўқилишига қараб совчилар бўла-жак келинга баҳо берган. Қиз бор ҳар бир хона-донда гилам тўқишни шарт бўлган. Агар қиз гилам тўқишни билмаса, уят саналган.

– Сифатли гиламлар эскирса ҳам нархи тушмай-ди, аксинча ошиб боради. Ипакдан тўқилган гиламла-римиз нафис, чиройли, қандай ранг танласангиз ўша рангда тўқиш мумкин. Жундан тўқилгани дағалроқ, ранги бўғиқ, арзон, кўпроқ киш фаслида тўқишади. Гиламлар олти ойдан икки йилгача тўқилади. Тўрт-беш аср олдинги гиламлар бор. Улар асл ҳолатини ҳозиргача йўқотгани йўқ, Албатта, қўл меҳнати ва кўз нури, ойлаб вақт кетказиб тўқилган гиламлар-

нинг нархи ҳам арзон эмас, – дейди гилам тўқувчи Зарнигор Яҳёева.

Табиатдаги ёрқин ранглар жилосини ўзида жам-лаган Бухоро гиламларини тўқиш бугун ўзига хос санъат саналади. Шунинг учун қорхонада бу санъат-ни ўргатиш учун устоз-шоғирд анъанаси йўлга қў-йилган.

Мунира РАМАЗОНОВА



Дадам Собит ога билан собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмаси таш-кил бўлаётган 30-йилларда Москвада тез-тез учрашганини эсла-рди. Дадамнинг айтишларича, у киши ёшлик йилларида Қозоғистон-нинг Чимкент, Сайрам, Жамбул деган шаҳарларига кўп борган экан. Ўша йилларда Гафур Гуломнинг ҳикоя ва шеърлари қозоқ китобхона-лари назарига тушиб, 1934 йили Данил Исҳоқов таржимасида нашр қилинган. 1947 йили “Вақт” шеъри қозоқ тилига таржима қилиниб, мухлислар эътиборига ҳавола этилган. 1957 йили Қозоғистонда “Танланган асарлар” и, 1963 йили шеърлар тўплами чоп этилган.

## АТОҚЛИ АДИБЛАР ДЎСТЛИГИ



Гафур Гулом қозоқ халқи-га бағишлаб шеър, мақолами ёки очерк ёзаркан, албатта, устозлари Абай, Жамбулни алқаб, дўстлари Мухтор Аезов, Собит Муқоновни эсламай ўтмас эди. Жумладан, “Қозоқ кардошимга”, “Турксибни биз қурдик ва қура олдик” очерк-лари, “Қалб ҳарорати”, “Дўстлик чегара билмайди”, “Қалби бир бир-родарлар”, “Салом, кардошларим” мақолаларида ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлиги тараннум этилган. Шу ўринда дадамнинг

ди, иккаласи роса ҳазил-хузул қи-либ, аскиялар айтишгани ҳамон эсимда. Юбилей тантаналари Али-шер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида бўлиб, унда Озарбайжон, Қирғизистон, Турк-манистон, Тожикистон, Россия ва бошқа республикалардан келган ижодкорлар дадани табриклаш-ган. 1966 йил апрел ойининг бо-шида Қозоғистон ёзувчиларининг

ТЕРАН ТОМИРЛАР

1945 йилда кардош қозоқ халқини табриклаб ёзган “Қозоқ элининг улуг тўйи” шеъри ёлга келди:

Ўзбек эли — ўз оғам, — деб, Ўтрик сўзламас қозоқ, Жекам, десам, жонга тугаш, Иним, десам яқинроқ. Минг йилларга бар тутқизмас Қондошлик тарихимиз, Икки бошга бир манглайдай Ярқироқ тақдиримиз. Бир китобнинг икки бети, Туташгандир еримиз, Бир-бировга қундай равшан Аёнимиз, сиримиз. Қариндошим, туғишқоним Улкан қозоқсан ўзинг, Тонготарда эгиз балқар Ўзбек билан юлдузинг.

Ушбу шеър ўзбек халқининг кар-дош қозоқ халқига ҳурмат-эҳтироми ва дўстлигининг мадҳиясидир.

Эсимда, Собит Муқонов Га-фур Гуломнинг 60 йиллик юби-лейи тантаналарига бир-икки кун аввалроқ қозоқ делегацияси билан келган эди. Гафур Гулом катта ўғлидан набира қўриганида қозоқ адаби Мухтор Аезовдан руҳсат олиб, набирасига унинг номини қўйганиди, адибининг “Абай” ро-манни қозоқ халқига қўйилган хайқал деб биларди. Шу кун Собит Муқоновга дадам тўн кийгаз-

набатдаги съезида бир гуруҳ ўз-бек адиблари қаторида Гафур Гу-лом ҳам катнашган ва дўсти Собит Муқонов билан учрашган эди.

1966 йили 26 апрел тонготири-да Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини кўрган Гафур Гу-ломнинг тоби қочиб, стационарга тушди. Ўша кунларда Татаристон-нинг улкан шоири Абдулла Тўқай-нинг 70 йиллик юбилей тантана-сида шоир ижоди ҳақида маъруза қилиши мўлжалланган эди. Дадам соғлиги ёмонлашганига қарамай, Абдулла Тўқай юбилейида катнаш-ди. Бу Гафур Гуломнинг охириги маърузаси бўлди. Қозондаги тад-бирда Собит Муқонов ҳам ишти-рок этганди. Гафур Гуломнинг дунёдан ўтганини эшитгач, етиб келди. Дафн маросимида сўз айтиш навабти Собит Муқоновга келган-да, у Гафур Гулом билан Қозонда-ги охириги учрашувини эслади.

Собит Муқонов умрининг охиригача Гафур Гулом оиласи билан хабарлашиб турди. Биз-нинг С.Муқонов авлодлари би-лан алоқамиз узилган эмас. Собит ога ҳаммаша бизнинг ёдимизда. Бу дўстлик қозоқ ва ўзбек халқининг дўстлиги каби абадийдир.

ОЛМОС

## ЎЗУМ САЙЛИ

Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари навоийликларни улуг мутафак-кир шоир Алишер Навоий номи билан аталадиган сўлим истироҳат боғи-да ташкил этилган Ўзум сайлига қорлади. Мустақиллигимизнинг 28 йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган сайл Ўзбекистонимизнинг тўқин-лиги рамзи эканлигини кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда хорижлик меҳ-монларимиз чин дилдан эътироф этишди. Навоийлик соҳибкор боғбонлар етиштирган сархил ўзумлар кўргазмаси барчанинг дилини ром айлади.

Вилоятнинг олис чўл худудларида, дарё бўйлари ҳамда тоғ этакларида-ги обод манзилларда етиштирилган ўзумларнинг бир-биридан аъло таъмлари сайл иштирокчиларининг мақтовига лойиқ бўлди. Майизбон ўзум навлари етиштириш бўйича бой тажрибача эга Хатирчи тумани фермерлари ўз маҳор-ратларини яна бир бор намойиш этдилар. Тасмачилик боғбон фермерларнинг сояки, кишмиши, маска ва беҳишти ўзумлари, ўзумлардан тайёрлаган му-саллас ва шарбатлари, навабахорлик ва қизилтепалик боғбонларнинг тили-и ёриданг келинбармоқ, ҳусайни каби ўзумлари расталарда арзон нархларда сотилди. Мухташам Амфитеатр пойидаги саҳнада хатирчилик, нуруталик бахшилар, навабахорлик ва қонимхелик ўланчилар навабти билан жўшиб-жў-шиб қўшиқ айтдилар. Меҳнат фахрийлари ушбу дорилмомон кунлар учун ду-ога қўл очдилар. Бир пилла чой устида гурунлар давом этди. Шодибанлар навоийлик ижодкорларнинг Ватан ҳақидаги шеърлари, қуй ва қўшиқларга улашиб кетди.

Баҳридин САДРИДИНОВ, Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими раҳбари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси Нарзулла Жўраева турмуш ўртоғи САНОБАРХОН она ва набираси ФАРРУХБЕКнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. Бош муҳаррир ўринбосари: Бахтиёр ҲАЙДАРОВ. Хамкорларимиз: Linggo akfa

Таҳририятга келган қўғизмазар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мухлифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин. Масьул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ. Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган. Адади - 5690. Бюрога Т - 955. Ҳажми - 3 босма табақ, А-2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ. Сотува нархи эркин. БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ, 41-УЙ. Боснига топшириш вақти - 21.00. Боснига топширилди - 21.00. ISSN 2338-434X. 4772121414000

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60